

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрида Сурхондарё вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 17061,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 1,0 % га ўсди.

2018 йил январь-декабрь оyi яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 6712,5 минг сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 1,1 % га ошди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Сурхондарё вилоятининг қўшган ҳиссаси 4,2 % ни ташкил этди.


## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2017 йил январь-декабрига нисбатан, % да
	2017 йил январь-декабрь	2018 йил январь-декабрь.	
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>13 702,2</b>	<b>17 061,9</b>	<b>101,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	13 329,7	16 533,2	100,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	372,5	528,7	106,8
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>13 329,7</b>	<b>16 533,2</b>	<b>100,8</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7 351,3	9 121,3	96,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1 668,9	2 240,1	109,0
саноат	854,3	1 184,6	111,9
қурилиш	814,6	1 055,5	105,9
Хизматлар	4 309,5	5 171,8	104,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 190,8	1 490,3	106,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	781,2	850,6	105,0
бошқа хизмат тармоқлари	2 337,5	2 830,9	103,3

Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг ўсиш суръати – 111,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 7,2 %), қурилиш – 105,9 % (6,4 %), хизматлар – 104,3 % (31,2 %)ни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 96,9 % (55,2 %)ни ташкил этиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,1 фоизга камайиш кузатилди.

### 2018 йил январь - декабрда ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




#### иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,9 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,1 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,1 % га ўсди ва ҳисобот йилида 96,9 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 1,1 % га ошди ва 13,6 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 31,2 % ни ташкил этди ва 2017 йил мос даври (32,4 %) билан таққосланганда 1,2 % га камайди.

## Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган холда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 9,0 % ни (2017 йил январь-декабрь – 8,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 5,1 % ни (5,9 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 17,1 % ни (17,6 %) ташкил этди.

## Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат курсатувчи бошқа тармоқлар

Сурхондарё вилоят статистика бошқармаси  
Статистика фаолиятини ташкил этиш  
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими  
Нашр учун масъул: Ў.Тилавмуродов  
(71)230-85-80